

№ 2- сонли шартнома

Лойиха – смета хужжатларини бажаришга

«24» сентабр 2022 йил

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва низом асосида фаолият кўрсатадиган «Андижон сув қурилиш инвест» ДМ унинг директори **И.Холмирзаев** бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низоми асосида фаолият кўрсатадиган «NUROBOD ПРОЕКТ» МЧЖ унинг раҳбари **С.Хайдарова** иккинчи томондан «Андижон вилояти Асака туманидаги «Асака» гидроузелини реконструкция қилиш» ишчи лойихасини тайёрлаш учун пудрат шартномасини туздилар: (2022 йил 17 мартдаги лот №50619)

1.Шартноманинг мазмуни

1.1. Буюртмачи топширади, Пудратчи ўзига қуйдаги ишларни «Андижон вилояти Асака туманидаги «Асака» гидроузелини реконструкция қилиш» ишчи лойихасини бажаришга киришади.

1.2. Пудратчи кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона,бино ва иншоотлар қурилишга лойиха-смета хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақида 1.03 01-96 КМК койда ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иқтисодий ва бошқа талаблар ишларни бажариш учун техник топшириқларда бўлади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.4. Ишларнинг алоҳида босиқларининг рўйхати ва бажариладиган муддати календар режа асосида аниқланади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.5. Буюртмачининг номидан ишларни бошқариш ва назорат қилишни бош муҳандис олиб боради.

1.6. Пудратчи буюртмачи (муҳандис) томонидан ёзма рухсатини кутмасдан қўшимча ички хўжалик шартномасини (Пудратчи томонидан бажарилмайдиган, лекин мазкур шартномани бажаришда керак бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир.

Қўшимча шартномалар тузиш Пудратчининг зиммасига юклатилган мазкур шартноманинг шартларини бажариш жавобгарликдан озод этмайди.

1.7. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.8. Бажарилган ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2.Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. Пудратчининг мажбуриятлари

Пудратчи Буюртмачи томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариши лозим;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларни (босиқлари) нинг натижаларини келишади, шартнома бўйича бажариладиган ишлар ҳақида буюртмачига ахборот жўнатади.

- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;

- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;

- Ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

- Пудратчи мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни муҳандиснинг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

- Лойиха-смета хужжатларини шартнома руйхатдан утказилган кундан сўнг тулик бажариб, буюртмачига топшириши шарт.

- Лойихачи «Буюртмачи» томонидан берилган объект лойихаси бўйича қурилиш монтаж ишлари давомида иш ҳажмлари кам ҳисобланган ёки киритилмаганлиги аниқланганда смета киймати бўйича уз ҳисобидан ҳисоб китоб қилади.

- Лойиха-смета хужжатларини асосланган қурилиш норматив хужжатларига мувофиқ буюртмачи томонидан тақдим этилган ишларни лойихалаш ҳақидаги топширик ва бошқа бошлингич маълумотларга асосан бажаради.

- Пудратчи лойиха-смета хужжатлари ҳамда буюртмачига тақдим этилган бошқа қурилишга доир хужжатлардаги камчиликлар учун, шу жумладан қурилиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар булади. Лойиха-смета хужжатларида аниқланган камчиликларни пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қушимча кидирув ишларини бажариши, бунинг оқибатида буюртмачига етказилган зарарни, хусусан йукотилган вақт ҳамда уз муддатида бажарилмаган ишлар ҳажми бўйича жаримани тулаши лозим.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 февралдаги № 5445-сонли “2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органларини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий меъзонлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги “Лойиха – тадқиқот ишларининг қийматини муддатларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 396-сонли буйруғи 8-иловасининг 3 бандига асосан “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишчи лойиха учун ажратилган маблағлари ҳисобидан ҳар ойда камида бир маротаба **муаллифлик назоратини** бажаришни ҳам ўз зиммасига олади.

2.2. Буюртмачининг мажбурияти:

Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда белгиланган нархни тўлаши керак.

- Пудратчига мазкур шартномада кўзда тутилган шароитларда иш ҳажмларини бажаришда таъсир кўрсатиш;

- Пудратчи билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик.

- Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сифатини кузатиб бориш;

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1. Мазкур шартнома қиймати ККС билан **130 000 000 (Бир юз уттиз миллион)** сўмни, шундан **ККС 16 956 522 (Ун олти миллион туккиз юз эллик олти минг беш юз йигирма икки)** сумни, шундан муаллифлик назорати **20 000 000 (йигирма миллион)** сумни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи пудратчига олдиндан мазкур шартноманинг умумий қийматидан 30% миқдори **39 000 000 (Уттиз туккиз миллион)** сўм аванс тўлашни ўз зиммасига олади, томонлар уртасида топшириш қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сунг 70% миқдори тасдиқланган календар режа асосида босқичма - босқич тўлаб борилади.

3.3. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин маблағни 10 банк куни мобайнида тўлов ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган қурилиш нархи ва муддати узил-кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди, айрим ҳоллар бундан мустасно.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.

4.1. Ишларни бажариш муддати буюртмачи томонидан техник топширик, техник шартлар ва техник хулосалар берилган кундан бошлаб **15 кун**.

4.2. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топширик талаблари асосида баҳоланади.

4.3. Пудратчи томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиш лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.4. Пудратчи ишларни бажариб бўлгач, Буюртмачига техник топшириқда кўрсатилгандек топшириш – қабул қилиш далолатномаси билан биргалиқда илова қилиб 3 та нусхада хужжатлар комплектини тақдим этади.

4.5. Буюртмачи мазкур шартноманинг 4.3.-бандида кўрсатилганидек, топшириш – қабул қилиш далолатномаси ва ҳисобот хужжатлари бажарилган ишларни 30 кун мобайнида қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш –

кабул қилиш далолатномаси жўнатади. Топшириш – кабул қилиш далолатномаси буюртмачи томонидан имзоланмаса, бажарилган ишларни, хизматларни кабул қилишда асосли эътироз билдирилмаган холларда пудратчи юқорида кўрсатилган муддатда банкка бир томонлама бажарган ишлари эвазига ҳақ тўлаш учун талаб қўйишга ҳақли.

4.6. Бажарилган ишларни топшириш - кабул қилиш давомида буюртмачининг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.7. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир – бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлар шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзланган мажбуриятлар юкланади.

4.8. Ўзаро ҳисоб – китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Буюртмачи ўз вақтида олдин тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган холларда, ишларни яқунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатда узайтирилади.

5.2. Буюртмачи аввалдан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўлаш мажбуриятларини бажармаган холларда, Пудратчи ўзининг мажбуриятларини тўхтатиб туришга ҳақли, бунда Буюртмачи Пудратчининг кўрган зарарини тўла қоқлайди.

5.3. Буюртмачи олган мажбуриятини бузганлиги учун пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг ижро этилмай қолган қисмининг 0.4 фоиз ҳажмида тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. Пудратчи ишларни бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун у Буюртмачига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг ижро этилмай қолган қисмининг 0.5 фоиз ҳажмида тўлайди. Аммо бунда, умумий сумма бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоиздан ортиб кетмаслиги керак. Пеня тўлаш шартнома мажбуриятини бузган томонни

кечиктириб бажарган иши ёки кўрсатган хизмати оқибатида келтирилган зарарни қоқлашдан озод этмайди.

5.5. Бажарилган ишлар (босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда пудратчи уларни беғараз бартараф этиши керак.

5.6. Агар пудратчи ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.7. Агар содир бўлишига томонларнинг ҳеч бири жавоб бермайдиган (форс-мажор) холлар юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига суянадилар.

5.8. Агар бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар керакли сифатга техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Буюртмачи бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли. Пудратчидан сифатга жавоб бермайдиган иш қийматининг 5 фоизи ҳажмида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган ишларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

5.9. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 25-32-моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс-мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этилиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг

ижро муддати оартираф этио оулмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтирио чикарган окибат хукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2. Агар бартираф этилиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, Пудратчи ва Буюртмачи курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 2 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3. Буюртмачи тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги Пудратчи учун “форс-мажор” ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1. Буюртмачи 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, пудратчи томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, пудратчи эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг “хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари.

8.1. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача .

8.2. Мазкур шартнома томонлар имзо чеккандан сунг, Андижон вилояти Газначилик бошқармаси руйхатидан утган кундан кучга қиради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлингунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати тугашига қарамай , томонлар шартларни бузганликлари жавобгарлигидан озод этмайди.

9. Бахсларни хал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган бахслар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан қараб чиқилади.

Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

Буюртмачи:

«Андижон сув курилиш инвест» ДМ
Андижон ш Н. Охунов кучаси №35 уй
ШХВ: 100010860034017049801170109
ИНН: 201 754 360
ОКОНХ: 69 000
Узб. Респ. Молия Вазирлиги Газначилиги
Узб. Респ. МБ ХККМ Тошкент ш.
Х/Р: 234020003001000001010
МФО: 00014
ИНН: 201122919

Директор:

И. Холмирзаев

Юрист:

Р. Иргашев

Пудратчи:

«NUROBOD ПРОЕКТ» МЧЖ
141100, Самаркандская область г. Нурабад,
ул. А. Темур, 8,
р/сч: 2020 8000 9006 8850 7001
в «TRASTBANK»ХАВ Дархон филиали,
МФО: 00954, ИНН: 304390004,
ОКЭД: 66000. Регистрация кода
плательщика НДС 318 210 086 321
Директор «NUROBOD PROJECT»

С.Б.Хайдарова

